



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 188 (13.521)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ВА БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси билан
Болгария Республикаси ўртасида
дипломатик муносабатлар
ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати
билан икки давлат раҳбарлари бир-
бирларини қутладилар.**

Болгария Президенти Румен Радев ўз қутловида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни ушбу сана билан табриклаб, бундай дейди: "Мамлакатларимиз ўртасида олий ва юқори даражадаги сиёсий мулоқот, ўзаро манфаатли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик юксак эътирофга муносиб. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда давлатлараро амалий мулоқотни мустахкамлаш бўйича Сиёсий раҳбарлигини амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини Болгария ҳурмат қилишини билдирмоқчиман. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг асоси бўлган тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни сақлаш Болгария Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси учун бирдек қадридлидир."

Президент Румен Радев "Болгария Республикаси Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганини ижобий баҳолайди. Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга 2017 йил 1 июль куни Тўқимачилик баённомаси ҳам қўшилгани шундан далолат беради. Ишончим комилки, бу мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратаяди, иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятини кенгайтириш ва рўйбга чиқаришда янги истикболлар очади", деб таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбарининг қутловида "Биз Болгария Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олгани ҳамда давлатимиз суверенитетини қатъий қўллаб-қувватлаганини юксак қадрлаймиз", деб алоҳида таъкидлаган.

Ўзбекистон Президенти "ўтган даврда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро англашув аъёнларига асосланган сўлғимий ва амалий муносабатлар ўрнатилгани"ни қайд этган.

"Ўзбекистон – Болгария шериклигини изчил кенгайтириш учун улкан салоҳият ва кенг имкониятлар мавжудлигига қатъий ишонамиз", дейилган қутловда.

Ўзбекистон Президенти "бўлажак олий даражадаги учрашувлар икки томонлама алоқаларга янги суръат бағишлаши, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли муносабатларни кенгайтириш ва мустахкамлашга хизмат қилиши, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитиши"га ишонч билдирган.

ЎЗА

ПАСПОРТ – ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида
Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига
қабул қилинган 43 юрtdошимизга
биометрик паспорт тантанали равишда
топирилди.**

Тадбирда Ўзбекистонда фуқароликка қабул қилиш борасида қонунийлик, инсонпарварлик ва ижтимоий бағрикенглик таъминлашга асосланган ҳолда инсон манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирлари тизимли равишда амалга оширилаётгани таъкидланди.

Фармонда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига келиб чиқши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолати, irqи, миллати, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати ҳамда сиёсий ва бошқа эътиқодидан қатъий назар, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тўғрисида"ги қонун кучга кирган вақтда турли объектив ва бошқа ҳаётӣ шароитларга қўра мамлакат ташқарисидда бўлган маҳаллий аҳоли, шунингдек, бошқа мамлакатларда туғилиб-ўсиб, Ўзбекистонни ўз Ватани сифатида дилдан тан олган, унинг тараққий этиши ва гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшганлар қабул қилиниши алоҳида қайд этилган.

Фуқаролик паспортини олган юрtdошларимиз мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон манфаатларининг тўлақонли ҳимояси ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг инсон манфаатларини таъминлаш йўлида қўрсатаётган эътибори туфайли мана шундай бахтга эришдим, – дейди Ҳамдам Давлатов. – Бугун Ўзбекистон Республикаси фуқароси – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган юртининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлдим. Паспортни қўлга олганим менга янада катта масъулият юклайди. Бунинг учун юксак шараф деб биламан. Бу бахтни менга туҳфа этган Президентимизга, халқимизга янада садоқат билан хизмат қиламан.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганларга фуқаролик паспортини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов тантанали равишда топширди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КИТОБ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НАШР ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КИТОБ МУТОЛААСИ ВА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва аъёнларини чўқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахснинг тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда тегишли ҳуқуқий-меъёрий базани мустахкамлаш, ташкилий-амалий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш, бу масалага кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича кейинги пайтда бирмунча ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ўтказилган қулатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини қутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг қўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтда ва мақбул нарҳларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ноширлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, юртимизда соғлом рақобатга асосланган босма ва электрон китоблар бозорини шакллантиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлган ана шундай муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилиш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда қўзда тутилган қўйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин:

– китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

– китоб маҳсулотлари бўйича давлат буюртмасининг асосий йўналишларини

шакллантириш, адабий-бадиий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмалӣ адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш; жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни зарур нусхаларда юксак сифат билан нашр этиш ва молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нарҳини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини белгилаш;

– ахборот-кутубхона фаолиятини кўчатириш, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг "Маънавият хоналари"ни ўқув-услубий, техник адабиётлар, адабий-бадиий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш; наширлар ва матбаа соҳаси мутахассисларини, бадиий ва техник муҳаррирлар, графикани расомлар, ахборот-кутубхона ходимларини тайёрлаш, малakasини ошириш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

– лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, адабий-бадиий ва энциклопедик адабиётларни янада қўлайитириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида туриб фойдаланишни таъминлаш;

– қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш чоралари тўғрисида тадбирлар режаси лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш;

мамлакатимизда интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берадиган eReader электрон ўқув қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларнинг ахборот базасига умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлири учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий, илмий-назарий манбаларни жойлаштириш, бундай маҳсулотларни арзон нарҳларда сотиб олиш механизмларини йўлга қўйиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

– мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёrlарига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қўратиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини қўриш;

– китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил

этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида "Энг китобхон мактаб", "Энг китобхон маҳалла", "Энг китобхон оила", "Энг фаол кутубхоначи" каби қўриқ-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш.

2. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки: дастурда кўрсатилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар бир шаҳар ва туманда китоб савдосига ихтисослашган дўконларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулкӣ объектларини текин фойдаланиш учун берилишини таъминлайди;

– савдо айланмасида китоб сотиш улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларининг алоҳида статистик ҳисоби юритилади ва улар 2020 йил 1 январга қадар ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади;

Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига шу йўналишда мунтазам равишда махсус кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар тайёрлаш ва эълон қилиш тавсия этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларида китоб савдосига ихтисослаштирилган замонавий дўконлар, шунингдек, наشريёт ва матбаа корхоналарининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш ҳамда янги китоб дўконларини қуриш учун Марказий банкнинг йиллик қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоизларда имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

– қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

– идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 сентябрь

ҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи талабларига риоя қилиш, жамоат ишларидаги фаоллик каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

● Наманган вилояти Чортоқ тумани Пешқўрғон қишлоғида туман ички ишлар бўлимининг 9-сонли ички ишлар бўлинмаси иш бошлади. Мазкур ҳуқуқ-тартибот идораси учун танланган 2 қаватли бинода 350 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ходимлар учун замонавий шароитлар яратилган.

● Гулистонда футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган "Яшил майдон маликалари" мусобақасининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Футбол федерацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақанинг минтақавий босқичида

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
таклифига биноан Қозоғистон
Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбоев 2017 йил
16-17 сентябрь кунлари
давлат ташрифи билан
мамлакатимизда бўлади.**

Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Музокаралар якунлари бўйича Тошкент шаҳрида икки мамлакат Президентларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги қўп қиррали дўстона муносабатларни изчил ривожлантиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш имзоланади.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН: ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛИДА

**Жорий йил 16-17 сентябрь кунлари
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев таклифига биноан,
Қозоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбоев давлат ташрифи
билан мамлакатимизда бўлади. Мазкур
олий даражадаги учрашув икки қардош
мамлакат етакчилари ўртасида
мустахкамланган интенсион ишончли
мулоқотнинг давомига айланади.**

Ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихий-маданий яқинлиги ҳамда давлатимиз раҳбарининг минтақа мамлакатлари билан дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини сифат жиҳатидан янгилаш йўли Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларини янада мустахкамлаш, қўп қиррали муносабатларни бундан-да ривожлантириш учун қўлай имконият яратмоқда.

Бугунги кунда Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ва апрель ойларида Қозоғистонга ташрифлари, 2017 йил июнь ойида Остонада бўлиб ўтган ШХТ саммити чоғидаги икки мамлакат Президентларининг учрашуви ҳамда телефон орқали қўпгина мулоқотлари ўзаро ҳамкорлик сўзда эмас, амалда янги босқичга чиқишига, икки томонлама муносабатлар қамровини сезиларли даражада кенгайтиришга қўмақлашдики, шу пайтга қадар ишга солиналган йўналишлар ана шу қамровдан жой олди, десак, сира муболага бўлмайди. Очилаётган мислсиз имкониятлар ва ҳамкорликнинг янги қирралари учрашувлар якуни бўйича имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ахил қўшничиликни мустахкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларацияда шунингдек, ишлаб чиқилган "йўл харитаси"да ҳам ўз тасдиғини топган.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларидан 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган хотин-қизлардан иборат ҳаваскор футбол жамоалари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Халқаро Олимпия Кўмитаси томонидан расмий равишда 2024 йилги ёзги Олимпиада ўйинларини Франция пойтахти Париж шаҳри қабул қилиши тасдиқланди. АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳри эса 2028 йилги Олимпиаданинг мезбони бўлади.

● АҚШдан Куба сари ҳаракатланган "Ирма" тўфони хуружи натижасида Гавана шаҳридаги 4 мингта уйга катта зарар етди.

● Афғонистон пойтахти Кобул шаҳридаги халқаро крикет стадионида уюштирилган портлаш натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.

“Ўзэкспомарказ”да “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME 2017” ҳамда “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017” халқаро кўргазмалари очилди.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти, Савдо-саноат палатаси, “Осиё рамзи” Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси кўмагида ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси ва ITE компаниялари гуруҳи (Буюк Британия) томонидан ташкил этилди.

Енгил саноат иқтисодий тизимининг кўп тармоқли ва инновацион жиҳатдан жозибдор соҳасидир. Бугун мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар давом этмоқда. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни тўқимачилик қайта ташкил этиш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармонида мувофиқ тармоқда 900 миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда 77 йirik инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Йиғилган илми бўйича уч, трикотаж тасмасини бир ярим, тайёр матоларни икки, тўқув-трикотаж маҳсулотларни уч, пайпоқ маҳсулотларни икки мартабага ошириш орқали ишлаб чиқариш қувватларини ўстириш мўлжалланган. Лойиҳалар ижроси 40 мингдан ортиқ иш ўрни яратилишига замин яратди.

“Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME 2017” ва “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017” халқаро кўргазмалари иштирокчилари сафи ва географияси кенгайиб бораётгани мазкур форумни МДХ ва Марказий Осиёдаги энг йirik экспозицияга айлантирмоқда. Жорий йилги кўргазмаларда Ўзбекистон, Австрия, Беларусь, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Қозғистон, Хитой, Люксембург, Нидерландия, Россия, Руминия, АҚШ, Туркия, Франция, Чехия, Швейцария, Жанубий Корея, Япония сингари 22 давлатдан 350 дан ортиқ компания замонавий технологиялари ҳамда маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Дунё жамоатчилигининг мамлакатимиз енгил саноати тармоғида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан хабардорлигини ошириш билан бир қаторда мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларининг та-

ниқли хорижий компаниялар энг сўнгги технологиялари билан танишиш, етакчи чет эллик ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ҳамда тажриба алмашиш борасида қулай майдонга айланган “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME” экспозициялари иштирокчилар билан гавжум. Кўргазманинг йиғирув ускуналари, калавалаш машиналари, тўқимачилик, тикув, бўйаш ва пардозлаш ускуналари бўлимларида тўқув ускуналари, босиш машиналари, пайпоқ автоматлари, компрессорлар, тикув игналари, сифатни назорат қилиш тизимлари, тўқувчиликда қўлланиладиган кимёвий моддалар, бўёқлар сингари ишлаб чиқариш жараёни учун зарур жиҳоз ва ашёлар намойиш этилмоқда.

Жорий йилдаги кўргазмада Германиянинг “ZSK Stickmaschinen ABM” ва “Anlagenbau



Кўргазмаларда Ўзбекистон компаниялари фаол катнашмоқда. Бу эса хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатимизга қизиқиши тобора ортаётгани, бозорда етакчи ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги соғлом рақобат кучайиб бораётгани билан боғлиқдир.

“Asta Juki” компаниясининг (Япония) Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи ўринбосари Шўҳрат Норбеков. – Бу ўринда ваколатхонамизнинг 12 йиллик фаолияти мобайнида маҳаллий тадбиркорларга 45 мингдан зиёд тикув машинаси етказиб берган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 7 мингдан ортиганининг ўзидек пахта хомашёсидан қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган узоқни қўзлаган ислохотлар бўй кўрсатаётганидан далолат беради.

Аънаана мувофиқ “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017” кўргазмаси стендларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспортга мўлжалланган юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари кенг намойиш этилмоқда. Экспозицияда икки ва ташқи бозорларда ўзининг доимий мижозларига эга “Uzbek Group”, “Osborn Textile”, “Alkim Tekstil”, “Biryuz Group”, “Urganch Bakhmal”, “Namangan Momiq Sochiqlari”, “Sedat Triko” сингари корхоналар катнашмоқда. Улар калава, трикотаж полотнони, тайёр тикувчилик-трикотаж, пахмоқ буюмлар ва бошқа қўлаб маҳсулотларни намойиш этаётир.

Катнашчиларнинг фикрича, “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME 2017” ва “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017” халқаро кўргазмалари музокаралар ўтказиш бўйича ўзига хос майдонга айланади ва амалий муносабатларни мустахкамлаш ҳамда Ўзбекистон енгил саноатини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

БАРЧАСИ ЕНГИЛ САНОАТ УЧУН

und Maschinentechnik GmbH”, АҚШнинг “Navis Tubtex”, Ҳиндистоннинг “Elgi Ultra”, “Sabar Spinmatic”, Туркиянинг “Effe Makine”, “Ay Yildiz”, “Fuzyon”, “Inter Tekstil”, Россиянинг “Detel” каби 70 хорижий компанияси ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазманинг аънаваный иштирокчилари бўлган италиялик ишбилармонларнинг сафи янада кенгайган. Италия ташқи савдо институти ҳамда Италия тўқимачилик машина-созлиги уюшмаси томонидан ташкил этилган Италия миллий тендида 17 компания вакиллари катнашмоқда.

– Мамлакатингизда ўтказилаётган тўқимачилик ускуналари ва технологиялари халқаро кўргазмасида мунтазам катнашамиз, – дейди “Lonati SpA” компаниясининг минтақавий менежери И.Петрополаски (Италия).

– Ўтган йиллар мобайнида ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдиқ ва қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширдик. Бу борада “Uztext” компаниялари гуруҳи йirik ҳамкоримиз ҳисобланади. Келгусида ҳам самарали ҳамкорлик қиламиз, деган умиддамиз.

– 2006 йилдан бери мамлакатимиз тадбиркорларига тўқимачилик саноати учун тикувчилик машиналари, асбоб-ускуналари ва эҳтиёт қисмлари етказиб бермоқдамиз, – дейди “Ertash” масъулияти чекланган жамияти вакили Тоҳир Ҳасанов. – Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида бугун тадбиркорларимизнинг дунё бозорларига чиқиш имкониятлари кенгайиб бораётгани, ишлаб чиқарувчилар сонининг ортаётгани замонавий технологияларга бўлган талабни янада оширмоқда.

Павилонларда намойиш этилаётган технология ва маҳсулотларнинг аксарияти кўргазманинг доимий иштирокчилари томонидан тақдим этилган. Бу эса ҳар гал энг янги технологиялар ҳамда маҳсулотларни намойиш этаётган хорижий компанияларнинг мамлакатимиз бозоридagi иштирокини кенгайтиришдан манфаатдорлиги ортаётганини кўрсатади.

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси тўқимачилик саноатида ҳам ўз аксини топмоқда, – дейди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди.

Янги қонун

ТАДБИРКОРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 5 майдаги фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди. Эътиборли жиҳати, вакил институтининг Президентимиз ҳузурида ташкил этилгани унинг ўз фаолиятини мустақил ҳолда амалга оширишда кенг имкониятлар яратди. Мухими, бу институти давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган ҳолда иш юритади.

Президент фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган янги қонун тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципининг ҳуқуқий асосларини янада мустахкамлашга қаратилган.

Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг мақоми, уни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби белгиланган. Вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари, асосий принциплари, унинг асосий вазифалари ва йўналишлари кўрсатилган. Вакилнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тадбиркорлик субъектларининг муносабатларини қўриб чиқиш тартиби, давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик тартиби ҳамда бошқа масалалар қамраб олинган.

Қонунга қўра, вакил тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлайди. У, ўз навбатида, мазкур ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларга давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан rioя этилишини таъминловчи мансабдор шахсдир.

Вакил ўзининг сиёсий партияга аъзолигини ўз ваколатлари муддатига тўхтаб туриши ёки тугатиш шарт. Илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонундан ўрин олган. Бу қонунийлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик, ошқоралик, очиклик, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципларидир.

Вакил тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашади. Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига rioя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўлаб-қувватлайди. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормала-

ри ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганади. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолайди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустахкамлашга, уларнинг ривожлантирилишини рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлайди.

Вакил зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бериладиган ҳуқуқлар алоҳида моддада кўрсатилган. Қонуннинг 8-моддасига асосан вакил тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига rioя этилишига доир қонун ҳужжатларининг давлат органлари ҳамда ташкилотлар томонидан оғишмай ижро этилишини ўрганади. Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширувларини ўтказишнинг қонунийлиги мониторингини амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашув фактларининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар қўриш бўйича тақлифлар киритади. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига rioя этилишига доир қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма равишда огоҳлантиришлар эълон қилади.

Қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланганда, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома-лар киритади.

Вакил давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан статистик, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа ахборотни сўраши ҳамда олиши мумкин. Зарур бўлган ҳолларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб этиб, ишчи гуруҳлар тузиш ҳуқуқига эга.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонунда назарда тутилган нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали мулоқотни мустахкамлайди. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларига барҳам бериш имкониятини яратди.

Турғун ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Бюджет
ва иқтисодий ислохотлар
масалалари қўмитаси аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН:

ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шубҳа йўқки, савдо-иқтисодий алоқалар ҳамкорлигининг энг изчил ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб қолди. Мисол тариқасида, Ўзбекистон ҳамда Қозғистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 фоиз ўсганини қайд этиш мумкин. Жорий йил март ойида Ўзбекистон Республикаси билан Қозғистон Республикаси ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилингани ҳам бундай кўрсаткичга эришишга кўмаклашди.

Давлатларимиз раҳбарлари томонидан барча соҳадаги муносабатларни фаоллаштириш йўли белгилаб берилгани тўғрисида март ойида Остонада бўлиб ўтган Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари бизнес форуми жорий йилнинг иқтисодий воқеалари жадалидан ўрин олди. Ташкил этилган мазкур бизнес-форумда 500 нафардан зиёд ўзбек ва қозғистон тадбиркорлари катнашдилар, унинг яқунлари бўйича умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi савдо шартномалари ҳамда сармовий битимлар имзоланди.

2017 йил май ойида Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчиларининг Шимкентда намойиш этилган икки кунлик кўргазмаси навбатдаги самарали тадбирлардан бири бўлди. Унда озиқ-овқат ва енгил саноат, қурилиш индустрияси, машинасозлик, металлургия, кимё, фармацевтика, мебелсозлик, кийим-кечак ҳамда эсдалик совғалар, спорт буюмлари ва уйинчоқлар ишлаб чиқарадиган 230 корхонанинг қарийб 900 турдаги маҳсулотлари намойиш қилинди.

Қозғистон пойтахтида бир неча кун бурун ўз ишини яқунлаган “ЭКСПО-2017” халқаро иқтисослаштирилган кўргазмасида Ўзбекистоннинг муваффақиятли иштирок этганини ҳам айтиб ўтиш керак. “Келажак энергияси” мавзuida ўтказилган ушбу кўргазма ташкилотчиларининг маълумотларига қараганда, мамлакатимиз миллий павильонни одамлар энг кўп ташриф буюрган кўргазма бўлмалари ўнлигидан жой олди.

Халқларимиз фаровонлигига хизмат қилаётган қўшма корхоналар ҳам давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг ажралмас қисmini ташкил этади. Қозғистоннинг автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи миллий компанияси – “AllurGroup” билан биргаликда Қўстанайда “GM Uzbekistan” автомобиллари йиғилиши бошлангани ушбу вилоят аҳолиси учун янги иш ўринларини яратиш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳамда Қозғистон минтақаларо алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳам чоғланган. Бу интилиш жорий йил март ойида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозғистон Республикаси ўртасида худудлараро ҳамкорлик тўғрисидаги битимда ўз ифодасини топди. Шу йил 3-4 май кунлари Қўстанай вилояти ҳокими Архимед Мухамбетов бошчилигидаги Қозғистон бизнес делегациясининг Ўзбекистонга келгани мазкур ҳужжат амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этилаётганини намойиш қилди. Ўша ойнинг ўзида Жиззах вилояти ҳокими етакчилигидаги мамлакатимиз ишбилармон доиралари делегацияси Жамбил вилоятига борди, июнь ойида эса Жамбил вилояти ҳокими Карим Кокрекбаев бошчилигидаги Қозғистон делегациясининг жавоб ташрифи ташкил этилди.

Автомобиль ҳамда темир йўллараро алоқаларнинг йўлга қўйилгани ҳам минтақаларо муносабатлар мустахкамлашишга кўмаклашмоқда. 2017 йилнинг март ойида Алматы – Тошкент йўналишидаги темир йўл катнови тикланди, июнь ойида эса Самарқанддан Остонага янги қатнов йўлга қўйилди. Июль ойида Қозғистон давлат чегарасида “Оқ олтин – Целинный” ва “Малик – Сирдарё” автомобил йўли (икки мамлакат ўртасидаги М-39 автомагистрალი қисми) ўтказиш пунктларининг расмий очилиш маросими бўлди. Транспорт коммуникациялари савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бирга, икки халқ ўртасидаги маданий ришталарнинг мустахкамлашиши ҳамда сайёҳлиқни ривожлантиришга ҳам кўмаклашди.

Шуни қайд этиш керакки, жорий йил апрель ойида Қозғистон Республикаси маданият ва спорт вазирлиги Аристанбек Мухамедиули Ўзбекистонда бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Қозғистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги ўртасида 2017-2019 йилларда сайёҳлик соҳасидаги қўшма чора-тадбирлар режаси имзоланди.

Апрель ойнининг ўша кунлари Қозғистон делегацияси “Дам олиш дунёси – 2017” V халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмасида иштирок этди. Бугунги кунда Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива ҳамда Шимкент – Туркистон – Остона йўналишлари бўйича биргаликдаги саёҳатлари ташкил этиш мамлакатларимиз сайёҳлик индустрияси вакилларининг диққат-эътиборида турибди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлиқнинг мустахкамлашишида Ўзбекистон ва Қозғистон худудларида истиқомат қиладиган минглаб этник ўзбек ҳамда қозғистон муҳим ўрин туттишини ҳам қайд этиш жоиздир. Уларнинг маданиятлари ва ўзига хосликларини ривожлантириш мақсадида ҳар икки республикада миллий маданий марказлар, театрлар, фольклор ҳамда эстрада ансамбллари фаолият кўрсатапти.

Жорий йил 2-6 май кунлари Жанубий Қозғистон вилоятининг “Дўстлик қарвони” ўзбеклар заминида бўлганда, ҳалқларимиз яқин қўшничилик ришталарига эга эканлиги яна бир қарра ўз тасдиқини топди. 50 нафар оқсоқолдан иборат “Дўстлик қарвони” Тошкентдаги қозғистон жамияти арбоби Тўлабий қабрини, сўнгра Самарқанддаги Амир Темури ва Ялангтўш Бахридир, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд макбараларини зиёрат қилди. Июнь ойида эса Ўзбекистоннинг қозғистон диаспораси вакиллари Остонада бўлиб ўтган V Бутунжаҳон қозғистон қурултоида иштирок этишди.

Ишон билан айтиш мумкинки, Қозғистон раҳбарининг давлат ташрифи доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбаевнинг олдинда турган учрашув ҳамда музокаралари ўзаро ҳамкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш жараёнида биргаликда юқори марраларни забт этиш учун мамлакатларимиз интилишларининг мантиқий давоми бўлади.

Г.НУРЖОНОВА
“Жаҳон” АА

Зарина АБДУРАХМОНОВА

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ЯНГИ ЎҚУВ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидagi Тошкент бирлашган техника мактабидa Куролли Кучларга мутахассислар тайёрлаш бўйича янги ўқув босқичининг тантали очилиш маросими ўтказилди.

Ҳамкор ташкилотлар вакиллари, қаҳриққача бўлган ёшлар, ҳайдовчи-электрик ва радиотелефонист мутахассислиги бўйича курсантлар иштирокидаги тадбир тантанали равишда ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Мақсудов, мудофаа ишлари бўйича Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник И.Юсупов ва бошқалар мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида ҳарбий хизмат ёшларимиз учун шон-шараф ишига айлангани, амалдаги синовлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан етук йигитларгина саралаб хизматга жўнатилаётганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида жумладан, Тошкент бирлашган техника мактабида ҳар йили Ўзбекистон Куролли Кучларига етук мутахассислар тайёрланиб берилмоқда. Шу ўринда ташкилот тасарруфидagi ўқув спорт техника клублари қошидаги ҳарбий амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўғарақларга жалб этилган ўсмир-ёшларнинг бу спорт турларига қизиқишлари уларнинг Ватанимизнинг етук, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишларига ишонч билдиради.

Барча кўтаринки кайфият бағишлаган тадбирда “Подшобоғ” маҳалла раиси ўринбосари И.Хайитов, “Олмачи” маҳалла раиси ўринбосари Х.Шомуродовлар сўзга чиқиб, йирилганларга энг эзгу тилақларини тилаб, барча сазй-ҳаракатлар Ватанимизни ҳимоя қилиш ва уни кўз қорачигидай асрашга қаратилиши кераклигини ўқитиб ўтишди.

Тадбир давомида айtilган тилак ва истаклардан руҳланган курсантлар номидан Нодир Ҳамзаев ва Алексей Кутеповлар сўзга чиқиб, ҳарбий техник мутахассисликларни мукаммал ўрганиб, мактабда яратилган барча шарт-шароитлардан – тренажёр заллари, замонавий кулбхона, компьютер хона, техник ва амалий спорт турлари секцияларидан унумли фойдаланиб, Куролли Кучлар сафида намунали хизмат қилиш, Ватан ҳимоясиси бўлиб етишишга сўз бердилар.

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда мазкур тизимда олиб борилаётган ислохотларни жойларда тушунтириш, ҳарбий хизматга қаҳрилуви ёшларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, замонавий, ҳарбий аъёналарнинг тарғиб этиш, Ватанга бўлган муҳаббат ва гуруҳ ҳиссини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Зарина РУСТАМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди “Харакатлар стратегиясини амалга оширишда эркинликларини, қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда ижтимоий шерикликдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусида давлат грантлари ажратиш учун қўшимча танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадлари назарда тутилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа бюртманомалари қабул қилинади:

1. “Мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқдир”, “Адолат – қонун устуворлигиди”, “Аҳоли муҳофазатлари – доимий эътиборда” широлари остида қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини ўрнатилди.
2. Давлат органларида муҳофазатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш.
3. “Давлат органлари халқ хизматиди” широлари остида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга муроасизлик туйғусини қўйиштиришга қўмаклашиш.
4. Харакатлар стратегиясининг аниқ натижаларини ҳамда либераллаштириш жараёнида кенг ёритишга қаратилган материалларни тайёрлаш ва чоп этиш.
5. Ёшлар ва аёлларнинг, ногирон ҳамда кекса ёшдаги шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қўшма режаларни ва дастурларни амалга ошириш.
6. Жамиятда ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлаш.
7. Қўшқоқ туманларида янги иш ўринларини ташкил этишда, ижтимоий ва маиший инфратузилмани яратишда, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш.
8. Оналик ва болаликни муҳофаз қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қўмаклашувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ногирон болалар дунёга келишининг олдини олишни қўйиштириш.
9. Кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмини ва инновацион усулларини жорий этиш.
10. Соғлиқни сақлаш муассасаларида жамоатчилик назоратини шакллантириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда уларнинг фаолияти сифатини тубдан яхшилашга қўмаклашиш.
11. Оилада соғлом муҳитни юксалтириш, аждоқларимиз маънавий-ахлоқий меросини тарғиб қилиш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги ниҳолларнинг олдини олиш, қайнона ва келин муносабатларини мустаҳкамлаш.
12. Салбий ҳуқуқ-авторга мойил бўлган ёшлар ва аёлларнинг маънавий-ахлоқий профилактикасини ҳамда жамиятга мослашининг қўйиштиришда ННТ, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим ва тиббиёт муассасаларининг ижтимоий шериклигини юксалтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузувув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низомини) нусхаси.
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. 3, 4 ва 5-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.
7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2017 йил 12 сентябрдан 12 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Ўзбекистон почтаси” орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Архивимизда сақланиб келинаётган ноёб ҳужжатлар халқимизнинг бой маданий, маънавий мероси сифатида ардоқланади. Архив ҳужжатлари бизнинг ўтмишимиз, бугунимиз ва келажакимиздир. Архив ҳужжатларида бу қадимий ўзбек заминини, халқимизнинг босиб ўтган ҳаётини яққол кўришимиз мумкин. Шунинг учун улар халқимизнинг бебаҳо ноёб тарихий бойлиги ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида архив иши ва иш юритишга доир меъёрий-ҳуқуқий негизи такомиллаштирилиб, архив муассасаларининг моддий-техник базалари яхшиланди. Бугунги кунда архив муассасалари замонавий кўркем биноларга эга бўлмоқда. Жисмоний ва юридик шахслар ва уларнинг қонуний вакилларига архив хизматлари қўламини кенгайтириш ва айниқса хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилда Тошкент шаҳар давлат архивининг Учтепа туман филиали биносиди “Ягона дарча” тамойили

тига эга бўлса, жорий йилда архив томонидан ушбу стандартни сўнгги авлодларидан ISO 9001-2015 стандарт сертификати олинди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида ахборот коммуникацион технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш борасида талай амалий иш олиб борилди. Энг сўнгги техник воситалар ва ахборот тизимларидан фойдаланиш, архив фаолиятини автоматлаштиришга қаратилган бир нечта лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, бугунги кунда архив ҳужжатларини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Архив ҳужжатлари-

моқда. Бунда тадқиқотчиларга ҳужжатлардан фойдаланишда қўлайликлар яратилмоқда. Яъни ўзларига керак бўлган ҳужжатлардан электрон шаклда ўқувхоналарда кенг фойдаланишлари мумкин.

Архив мутахассислари қорхона ва муассасаларга иш юритиш бўйича йўриқнома, йиғмаҳидл номенклатураси, экспертиза комиссияси ва идоравий архив тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқишга методик ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Давлат архивларида ҳужжатларнинг тўлиқ сақланишининг асосий негизи, бу идоравий архивларда сақланаётган ҳужжатларни ўз вақтида

АРХИВЛАР – ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕБАҲО ТАРИХИЙ БОЙЛИГИ

асосида фаолият юритувчи “Архив хизматларини кўрсатиш маркази” очилди. Ушбу марказ орқали жисмоний ва юридик шахсларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти сегментидаги архив муассасаларидан ижтимоий-ҳуқуқий сўровларни бир жойдан олиш имкони яратилди.

Айни вақтда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган барча архив муассасалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларни бир жойда қабул қилиш, муҳофазатларни қайта ишлаш, ижрочиларга юбориш, ижросини назорат қилиш, тайёрланган архив маълумотномаларини ўз эгаларига тақдим этиш ишлари янги очилган марказда амалга оширилади. Шунингдек, марказ мутахассислари томонидан фуқароларга архив фондлари, ташкилотларнинг ҳужжатлари сақланаётган жой манзили тўғрисида тезкор маълумотлар берилди.

Шу билан бирга архив хизматларини халқаро миқёсида кенгайтириш ва фаолиятини сифат тизими орқали бошқариш мақсадида халқаро “CEPT INTERNATIONAL” компанияси билан ҳамкорликда турли семинарлар ўтказилиб, архивда ISO 9001 стандартини йўлга қўйилди ва халқаро сифат менежменти сертификати қўлга киритилди. Ўтган йили ISO 9001-2009 стандарт сертификати

ни кўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган интеграллашган кўриқлов тизим” жорий этилган.

Мустақиллик йилларида архивларимиз ходимлари ривожланган хорижий давлатлари архив муассасалари томонидан ташкил этилган турли илмий конференциялар, семинарларда иштирок этиб ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Халқаро грант ташкилотларидан грантлар қўлга киритилиб, архивларнинг моддий-техник базалари яхшилаш, ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганлиги буюк тарихий воқеа бўлди. Халқимиз мустақиллик туғайли ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Истиқлол йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби архив соҳасининг ҳам устувор йўналишлари белгиланб олинди. Архив биноларини капитал ремонтдан чиқариш, архив фаолияти ишини енгиллаштириш, ҳужжатларга бўлган талабни кенгайтириш, ахборот технология ишлари кенг қўлабда қўлла-нилаётганлиги сабабли, архив ҳужжатларидан ҳам замонавий техникалар асосида фойдаланиб, уларнинг электрон вариантлари яратил-

тартибга солиш ва уларни тўлиқ ҳолда давлат архивларига қабул қилиш ҳисобланади. Ўзбек халқининг тарихини тиклашда архив ҳужжатларининг аҳамияти каттадир. Илгари ўрганилмаган архив ҳужжатларининг ҳозирги кунда илмий аҳамият касб этиши, бу катта ютуқ. Шу муносабат билан халқимизнинг архив ҳужжатларига бўлган талабини қондиришга қаратилган ахборот, тарғибот ишлари фаолияти кескин ортмоқда. Шу кунга келиб, Миллий архив фонди ҳужжатларидан илмий тадқиқот ишларида, ижтимоий-маданий, ўқув методик, тарбиявий мақсадларда фойдаланиш анча фоллашди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий сўровлари қониклари ижро этилмоқда. Республика, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар тарихига оид, илм-фанга, тиббиётга асос солган тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги мақолалар газета ва журналларда чоп этилди. Архивимизда ўтказилган бир қатор республика миқёсидаги семинарларни архив ислохотларининг асосий пойдевори десак хато қилмаймиз.

Уллубек АБДУВОХИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Илмий-техникавий ва тиббиёт
ҳужжатлари марказий давлат
архиви илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди “Жамиятда миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик муҳитини сақлашга ва мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлари назарда тутилган лойиҳа бюртманомалари қабул қилинади:

1. Ёшларга ўзбек халқининг маънавий бойликларига ҳурмат билан қарашни, халқимиз аъёналари ва урф-одатларини, бебаҳо тарихий меросини сақлаш ва ривожлантириш туйғусини сингдириш.
2. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар, юртимизда яшаётган миллатлар ва элзлатар ўртасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон таърихисини тарғиб қилиш ҳамда оммалаштиришга бағишланган радиозашитиришлар ва телекўрсатувлар тайёрлаш.
3. Республикада дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашнинг тарғиб этиш, барча фуқароларга уларнинг миллати, дини ва эътиқоидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар яратиш.
4. Турли миллатлар вакиллари орасида адоват ва нифоқ келтириб чиқарадиган экстремистик ҳамда радикал гоя ва мафқуралар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар қўриш.
5. Интернет тармоғида чет тилларда Ўзбекистон халқларининг бой маданий-тарихий меросини ёритиб берувчи ўзига хос ресурслар яратиш.
6. Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъати, буюк шахслари, мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида республикада яшашинган ютуқлар тўғрисидаги ахборотни чет тилларда тайёрлаш ва интернет тармоғига жойлаштириш.
7. Мамлакатимиз маданияти, санъати, адабиётининг ёрқин намуналари, Ўзбекистондаги меъморий ва тарихий ёдгорликлар, ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган объектлар тўғрисидаги ахборотларни хорижий аудиторияга етказиш.
8. Хорижликлар орасида Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини оммалаштиришга қаратилган турли танловлар ташкил этиш ва ўтказиш, уларда Ўзбекистон халқларининг тарихий-маданий меросига, жамиятда миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳамда дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги таърихисига қизиқиш уйғотиш.
9. Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ва халқларнинг ўзига хос миллий аъёналарини, урф-одатларини ва одумларини сақлаш ва ривожлантириш, жамиятда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятни баҳардор этиш.
10. Ўзбекистоннинг тарихи ва ички сиёсатининг асосий жиҳатларини, амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг натижаларини акс эттирувчи ҳолис ва ишончли ахборотларни инглиз ҳамда бошқа хорижий тилларда тарқатиш мақсадида интернет тармоғида махсус сайтлар ишлаб чиқиш ва яратиш.
11. Мустақил оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон халқларининг аъёналари ва маданиятига бағишланган мақолалар, ҳикоялар, очерклар ва бошқа босма материаллар чоп этиш, ҳужжатли, тарихий ва маърифий фильмлар, телекўрсатувлар, радиозашитиришлар тайёрлаш ва эфирга узатиш.
12. Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида қўрилган ички чора-тадбирларнинг натижаларини тарғиб этиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузувув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтига жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти учун ариза.
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низомини) нусхаси.
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. 3, 4 ва 5-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.
7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия хатлари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2017 йил 12 сентябрдан 12 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Ўзбекистон почтаси” орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Айни кунларда пойтахтимиз туманларида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан тўй-ҳашамларни ихчамлаштиришга бағишланган мулоқот тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

ДАБДАБАБОЗЛИГУ ИСРОФГАРЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

Яшнобод қурилиш касб-хунар коллежида тўй ва маросимларни тартибга солиш, бу борада аҳоли ва ёшларга тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилган тарғибот тадбири ҳам юқоридаги мавзунини қамраб олди.

Унда Тошкент шаҳар ва Яшнобод туман ҳокимликлари, туман тиббиёт бирлашмаси, Ёшлар иттифоқи, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими вакиллари, туман имом хатиби ҳамда отиноийлар, маҳалла раислари ва кўплаб ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар бугунги тўй ва маросимларимизда ортиқча сарф-харажатларнинг қўлайиб кетаётганлиги, одамларимизнинг, айниқса, ёшларнинг ҳою-хавасларига берилиши натижасида йиллар давомида тўпланган оилавий маблағларнинг бир кунда кўкка совурилаётгани ёки бўлмағур орзу-хавасларни деб тўй қилган хонадон эгаларининг қарзга ботаётганлиги, бу эса кўплаб келишмовчиликларга, энди-гина оила қурган ёшлар турмушининг бузилиши каби салбий оқибатларга олиб келаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда тўй ва маросимларимизда дабдабазолик, ким ўзарога тўй қилиш, аслида кераксиз бўлган “одат ва аъёналар”ни бажаришга бўлган интилиш кўплаб исрофгарчиликларни келтириб чиқармоқда. Бундан қанчадан-қанча оилалар азият чекмоқда. Катталаримиз “фарзандим бошқалардан кам бўлмасин, тенг-қурлари орасида уялиб қолмасин, қайнота-қайнонаси ёки эри мебеллар учун таънадашном қилмасин”, деб қарзга ботиб бўлса-да бўлмағур “одатлар”нинг уричи кетишига хисса қўшмоқда.

Шуларни инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йилнинг 18 июлдаги “Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ўзбек миллатига хос тўй-ҳашам, тантана, маросим ва бошқа оилавий тадбирларни тартибга солиш ва ихчамлаштириш юзасидан тавсиявий тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармойишига биноан пойтахтимизда ўтказиладиган тўй ва маъракаларни ихчамлаштириш, турли маросимларни қисқартириш ёки содда ва камхарж қилиб ўтказиш бора-борада ишлар олиб борилмоқда.

– Маҳалламиздаги қиз чиқараётган ва ўғил уйлантираётган хонадон эгалари билан учрашиб, тўйларни ихчамлаштириш, тўй олди ва ундан кейинги борди-келди-лар ва бошқа маросимларни қисқартириш борасида гаплашиб олмоқдамиз, – дейди Ал-Бухорий маҳалласи раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Нуримова. – Кўплаб ортиқча харажат талаб этадиган тадбирларни қамайитиришга ва тўйларни 200-250 нафар атрофидаги меҳмонлар билан камчиқимроқ қилиб ўтказилишига эришдик. Биласизми, бир қатор фуқароларимиз бундан миннатдор ҳам бўлишди. Тўй қилган хонадон эгалари тежалган маблағларини оиланинг бошқа эҳтиёжларига ишлатиб, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Ўйлаймизки, тўйларимизда дабдабазолик исрофгарчиликларга йўл қўймасак ёш оилалар бахтли бўлиб, қудандалар ўртасидаги келишмовчиликлар анча қамаяди.

Тадбирда шунингдек, тўйларимиздаги ғарб мамлакатларига хос бўлган одатлар, яъни “севги тарихи”, “бир хил либосдаги келин навкарлар”, “вальсга тушиш” каби қатор бўлмағур одатларни йўқотиш борасида сўз юритилиб, бундай ҳолатлар миллий менталитетимиз ва ўзбекона урф-одатларимизга умуман тўғри келмаслиги бўйича ёшларга тушунчалар берилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Спорт янгиликлари

ТУРНИРГА АСОСИЙ ТЎР БАҲСЛАРИДАН ҚЎШИЛАДИ

Ўзбекистоннинг теннис бўйича биринчи ракеткаси Денис Истомин Туркиянинг Истанбул шаҳрида ташкиллаштирилладиган "Челленжер" туркумига кирувчи турнирда иштирок этади.

Истомин дунё рейтингда юқори ўриндалиги сабабли мукофот жамғармаси етмиш беш минг АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу турнирни асосий тўр баҳсларидан беллашуларга киришади.

Хамюртимиз илк даврада Франциялик Винцент Миллётга қарши қорға чиқади. Ушбу ўйин биринчи турнирнинг энг қизиқарли баҳси бўлиши кутилмоқда.

Профессионал боксчиларимизнинг бир нечтаси тез кунларда ўзларининг навбатдаги жангларида ўтказишади.

УКРАИНАЛИК БОКСЧИГА ҚАРШИ РИНГГА ЧИҚАДИ

Шулардан бири шу вақтга қадар 14 марта рингга кўтарилиб, барчасини ғалаба билан якунлаб келадиган Жамшидбек Нажмидиновдир. Ўзбекистонлик маҳоратли чарм кўлқоп устаси жангларида тўққизтачини нокаут билан якунлаган.

Боксчимизнинг бу галги рақиби украиналик тажрибали боксчилардан бири Виктор Пистол бўлади. Бу боксчи 28 та жанг ўтказиб, шулардан ўн иккитасини муддатидан олдин тамомлаган ва атиги 1 марта мағлубият аламини тотишга мажбур бўлган.

У фаолияти давомида яна бир боксчимиз Бекзод Набиев билан 2013 йили тўқнаш келган ва очколар бўйича ундан устун келган. Нажмидинов ва Пистол жанги 16 сентябрь кунини Украина пойтахти Киевда ташкил қилиниши режалаштирилган.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИШДИ


Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида боди билдинг ва фитнес бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақада терма жамоамиз вакиллари ҳам қатнашишди. Хусусан, вакиллари-миздан Гулжаҳон Турдикулова фитнес йўналишида олтин медални қўлга киритган бўлса, атлет-физик йўналишида Елена Нураева, бодибилдинг йўналишида 100 кг вазн тоифасида Михаил Волкин, эркаклар ўртасида атлет-физик йўналишида Дил-

шод Ниязовлар кумуш медални қўлга киритишди.

Шунингдек, фахрий спортчилар ўртасида бодибилдинг йўналишида иштирок этган Павел Умурзаков 4-ўринни банд этган бўлса, ушбу йўналишда ёшлар ўртасидаги баҳсда Владимир Волкинга 5-ўрин насиб қилди.

Ботир ХУЖАЕВ



Кўргазма

ТАБИАТГА ОШНО БОЛАЛАР

Ўзбекистон давлат табиат музейида "Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази моҳир педагоги, истеъдодли расм Тоҳир Шаймуродовнинг "Табиат болалар нигоҳида" номли расмлар кўргазмаси очилди.

Тадбирда ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, уларда касбга оид дастлабки кўникмалар шаклланишида "Баркамол авлод" болалар марказларининг ўрни бекиёслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида икки юздан ортиқ ана шундай марказ ташкил қилинган. Уларда бадий ва техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология бўйича юзлаб тўғараклар фаолият юритмоқда.

Айни пайтда "Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология марказидаги ботаника, биология, табиатшунослик ва экологияга оид элликдан зиёд тўғаракда 500 дан ортиқ ўғил-қиз маҳоратини оширмоқда. Марказда чет тилларини ўргатиш ҳам кенг йўлга қўйилган.

Кўргазмада Т.Шаймуродовнинг ижодига бағишланган видео слайдлар, экологик бурчак, шоғирдлари томонидан юртимизнинг табиати, бой тарихи, моддий ва маданий бойликлари, ҳайвонот ва ўсимлик олами моҳирона ифодаланган юздан ортиқ расм намойиш этилмоқда.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА муҳбири

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг "Тошкент-Аэро" иختисослаштирилган божхона комплексида "Коррупцияга қарши курашишда нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари уюшмаси нодавлат нотижорат ташкилоти, Тошкент давлат юридик университети ҳамда Тошкент шаҳар Адлия божқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мазкур комплекс шахсий таркиби, ходимларнинг ота-оналари, ҳаво йўллари орқали товарларнинг экспорти ва импорти амалга ошириб келадиган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, божхона расмийлаштирув бўйича мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган "Тошкент-Аэро" ИБК бошлиғи ўринбосари И.Омаров коррупцияга қарши курашиш, энг аввало, мамлакатимизда жадал суръатларда олиб бориладиган ҳуқуқий ислохотлар шароитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур қонун қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу қарор билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланган бўлиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган 50 дан ортиқ муҳим чора-тадбирлар ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштирди, пировадиди инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади.

Давра суҳбатиди Тошкент давлат юридик университетининг Халқаро оммавий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси Р.Ҳасимов ўз чиқишида миллий қонунчиликда мазкур иллатга қарши курашиш борасида жорий этилган нормалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мазкур иллатга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунга келиб республикамизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг мустахкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими шаклланди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар Адлия божқармаси Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бўлими ходими А.Бердиев Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонундаги коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг иштирок этиши механизмлари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди.

Давра суҳбатиди асосий эътибор божхона органларида коррупцияга қарши кураш бўйича олиб бориладиган ишларга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари шахсий таркиби ўртасида қонунбузарликнинг содир этилишининг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш, хизмат интизоми ва қонунчилиги мустахкамлаш ҳамда божхона органлари сафларини нопок ходимлардан тозалаш борасида аниқ йўналишга эга бўлган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

"Тошкент-Аэро" ИБК томонидан 2017 йилнинг ўтган даври мобайнида 80 га яқин профилактик маърузалар, учрашувлар, индивидуал тартибда профилактик тарбиявий ишлар ва суҳбатлар ўтказилиб, унга божхона ходимларининг ота-оналари ва оила аъзоларини ҳам жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ходимларнинг хизмат давомида зиммасига юкланган вазифаларни қай даражада адо этаётганини, ҳушёрлиги ва оғоҳлигини синовдан ўтказиш мақсадида турли текширувлар доимий равишда йўлга қўйилган.


Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Тошкент-Аэро" ИБК томонидан пойтахт маҳаллаларида ҳам турли профилактик учрашувлар ташкил қилинди.

"Тошкент-Аэро" ИБКда узлуксиз фаолият юритувчи "Ишонч телефони" (120-86-30) жорий қилинган бўлиб, у орқали фуқаролар божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан хабар беришлари мумкин.

Бундан ташқари "Тошкент-Аэро" ИБКнинг барча ташқи иқтисодий фаолият ва чегара-божхона постларидаги мавжуд мониторинг орқали йўловчилар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун доимий равишда коррупциянинг мудҳиш оқибатларидан огоҳлантирувчи ижтимоий видеороликлар намойиш этиб келинади.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ТЎРТЛИКЛАР

Орзу – сен кўзлаган тоғнинг

чўққиси,

Кувонч кўлингдаги гулнинг хуш иси.

Агар бепарвосан, боқибегамсан,

Жисминга чирмашгай гафлат

кайғуси.

Ёзининг ёмғирида ётнинг шираси,

Дехқон дилидаги доднинг шираси.

Баҳор ёмғиридек мадор бўлғуси,

Ўрнида айтилган сўзнинг сараси.

Кувончни кўш кўллаб тутиб оламиз,

Кайғуни ногаҳон кутиб оламиз.

Бандамиз, ожизмиз, тақдир ёзиғин

Умр дафтарига битиб оламиз.

Орзу ушалганда сўзинг бол бўлғай,

Умид узилганда қаддинг дол бўлғай.

Не бўлса шукрини қилмоқ жоиздир,

Ҳақ билар, дилингда не хаёл бўлғай.

Кўхна кўшиқларнинг дарди

гўзалдир,

Асли неки гўзал, гарди гўзалдир.

Аёл гўзал бўлса – бу битта бахти,

Вале эр йигитнинг марди гўзалдир.

Куюш кўрғонига кириб бўлмайди,

Чунки оташ ичра юриб бўлмайди.

Кўл билан қадамлаб қоврилма,

Маҳмуд,

Инсофнинг юзига уриб бўлмайди.

Олов дилда бўлса кўзинг порлагай,

Олов тилда бўлса сўзинг порлагай.

Беминнат эзгулик измидадирсан,

Ўтсанг бу дунёдан изинг порлагай.

Яхшилик ёнингда оққан дарёдир,

Сенга хуш тилакда боққан дарёдир.

Дарёдил инсонга кўплар ҳавасда,

Яхшилик зиёдир, сўнмас зиёдир.

Хуш назар хуш кўрган бандага ато,

Англа, болта зарби кундага ато.

Итилган Илоҳга ёр бўлғай, албат,

Боқибегамларни хуш кўрмас Худо.

Меҳр бу – толиққан томирга

қондир,

Меҳр бу – нажотдир, яхши

имкондир.

Меҳр кўрган кўзга, кўргузганга боқ

Меҳр бу – қуёшдир, яйраган

жондир.

Ўқиган, уққаннинг дилида офтоб,

Лутфу қарамида, тилида офтоб.

Илм одам ила оламга йўлдир,

Интизордир мудом йўлида офтоб.

Тўртлик дил кўкининг шарори асли,

У ҳикмат ахлининг дил зори асли.

Эзгулик измида айтилган ҳар сўз

Кўнгил фасларин баҳори асли.

14, кундузи — 29-31

даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг

мониторинг хизмати

маълумотида кўра,

15 сентябрда Тош-

кент шаҳрининг об-ҳаво

шароити шаҳар ҳаво муҳи-

тида зарарли моддалар-

нинг бир оз тарқалиб ке-

тишига имконият ярада-

ди, ифлосланиш даражаси

паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 15

сентябрь кунини ҳаво вақти-

вакми билан ўзгартиб тура-

ди, ёнғинчилик бўлмайди.

Шарқдан секундида 3-8

метр тезликда шамол эса-

ди. Ҳарорат кечаси — 12-

"ТОИ"

Ёнгин – офат. У тизгиндан чиқса, келтирган зарарни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Шу сабаб киши ҳар доим ёнгиндан эҳтиёт бўлиши, унинг келиб чиқмаслиги учун зарурий чора-тадбирларни кўриши шарт. Бошқача айтганда, ёнгинлар рўй беришига йўл қўймаслик учун барчамиз доимо ҳушёр ва эътиборли бўлишимиз лозим.

ҲУШЁР ВА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Мамлакатимизда "Ёнгинлар профилактикаси кунини" тадбирларини ўтказишдан кўзланган мақсад ёнгинларнинг олдини олиш, фуқароларни ёнгин хавфсизлиги қоидаларини пухта билиши ва уларга қатъий амал қилишига эришишдан иборат. Бугунги кунда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБнинг ҳар бир бўлим ва бўлинмалари ўзларига бириктирилган ҳудудларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун керакли чора-тадбирлар ва иш режаларини ишлаб чиқиш, шу асосда фаолият юртишаётир. Анжуманлар саройи ёнгин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари ҳам ўзларига бириктирилган маскан ишчи-ҳодимлари ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ходимларнинг иш жойлари ва ўз хоналарида ёнгин хавфсизлиги чораларини кучайтириш ёнгин хавфсизлиги ходимларининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Зеро, фуқароларимизнинг дахлсизлигини, жойлардаги ёнгин хавфсизлигини таъминлаш нафақат муайян соҳа вакиллари, балки барчамизнинг бурчимиздир. Афсуски, ходимларимиз томонидан қатор ибратли ишлар олиб бориладиганига қарамай, турли сабаблар билан ёнгинлар содир бўлмоқда. Улар соғлиғимиз, фарзандларимиз келажагига салбий таъсир ётмаслиги учун ҳар биримиз ёнгинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур.

Азимхўжа РУСТАМОВ,
Анжуманлар саройини
ёнгиндан муҳофаза қилувчи
ёнгин хавфсизлиги бўлинмаси
кичик инспектори



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 935

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот божқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4741 нускада босилди.
Қўғаз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ